

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ
ТАЪМИНЛАШДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

РЕСПУБЛИКА ОНЛАЙН ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АНЖУМАНИ



ТОШКЕНТ 2020  ZOOM

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

**МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОИЙ-
ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари тўплами**

ТОШКЕНТ-2020

Миллий юксалишни таъминлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни. Республика илмий-амалий конференция материаллари // Масъул муҳаррир: фил.ф.д., проф. З.М.Исломов. Ўзбекистон халқаро ислом академияси. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – 449 б.

Масъул муҳаррир: З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор.

Таҳрир хайъати: Ҳ.Туйчиева, М.Қаххорова, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов, Н.Юсупова, Б.Валиев, Ҳ.Ахмедов, Ф.Рашидов, У.Маҳмудов, А.Ташанов, М.Хўжаев, Ў.Шакаров, А.Султонов.

Тақризчилар: И.Саифназаров – фалсафа фанлари доктори, профессор
М.Собирова – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ушбу тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2020 йил 6-май куни ўтказилган “Миллий юксалишни таъминлашда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта махсус ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Мазкур тўплам материалларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан бажарилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ўз ифодасини топган. Тўплам ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламга киритилган материаллардаги рақамлар, фактлар, маълумотлар ва ғоялар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

kelgusida ijod qilishiga, haqiqat, obyektiv xulosalarga yetishishlari uchun halaqit beradi hamda Imon G'azzoliy hamda Abdurrahmon Samarqandiyning asarlarida aynan mana shu illatlarni ko'plarda uchratib, ularni qoralaganlar.

Uchinchidan, G'azzoliy, munozara paytida illatlarning kelib chiqish sabablarini yoritgan. Suhbatdoshini gapirtirmadan "o'chirib" qo'yish, kamsitish, nodonlikda ayblash maqsadida qilinadigan bahs, shubhasiz, mujodala – tortishuvga aylanadi.¹ Aynan mana shu tortishuv yuqorida sanab o'tilgan illatlarni keltirib chiqaradi. Haqiqat uchun emas, balki, qarama – qarshi munozarachini gapirtirmaslik uchun, uni obro'sini tushirish uchun qilingan bahs munozara Nafaqat G'azzoliy, balki, Abdurrahmon Samarqandiy tomonidan ham qattiq qoralangan va "Adab ul Munozara" bobida shunday misollar keltirib o'tadi: "Amiri Keshvari Risolat A.S. bizga marhamat qildilar: "Balki undan bizga yana bir dalil shuki, munozarada haqiqat botildan kelib chiqadi, va haqiqatga erishish uchun imkon yetgunga qadar undan foydalansin va nahiy bobida kelgan xabarlar murojaat qilsin. Agar nohaq urush, munozara biror kimsaning maqsadi bo'lsa va ulamolar hamda fuzalolar qaror qilgan haqiqat va haqiqat yo'li bu kimsa uchun faqat g'alaba erishish va o'z g'alabasi bilan faxrlanish maqsadini ko'zlagan bo'lsa, u holda karohiyatga hukm qilganlar"². (muallif tarjimai) Abdurrahmon Samarqandiy shuni nazarda tutmoqdaki, g'alabaga erishish uchun o'z qarashlarida qattiq turib olgan munozarachilar, o'z qarashlarini oqlash uchun nohaq urush, adovat qilishdan voz kechmasa, u karohiyatga mahkumdir deyilgan.

Xulosa qilib shuni aytganda, sharq falsafasining yirik vakillaridan biri hisoblangan Abu Homid G'azzoliy va Abdurrahmon Samarqandiyning falsafiy-ilmiy ta'limotidagi bahs-munozaraga oid qarashlari, nafaqat nutq madaniyatining rivoji, balki inson axloqining ijobiy jihatlari uchun muhimdir. Chunki inson doim bahs va munozarada, inson bilan suhbatlarda axloq – odob qoidalariga amal qilishi, til me'yorlariga amal qilib, o'zgalar nafsoniyatiga tegmasdan bahs-munozara qilmog'i darkor. Shu bois, ushbu falsafiy qarashlarni bugungi kunda ham yoshlar tarbiyasi va ularning barkamol shaxs sifatida shakllanishidagi ahamiyatini hisobga olib, amaliy hayotimizga tatbiq etishimiz maqsadga muvofiqdir.

ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ – ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

*Сирожиддинова И. М. -Андижон машинасозлик институти
ассистенти*

Асрлар ва цивилизацияларнинг тўқнашувида инсоният ҳаётининг барча соҳалари янги босқичга кириб боришга тайёрланиб бормоқда. Биз ҳозирги вақтдаги олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчини касбий тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришларнинг зарурати тўғрисида таъкидлаймиз. Мазкур тайёрловдаги асосий масалалардан бири бўлажак ўқитувчининг педагогик маданияти, унинг педагогик технологияларни эгаллаганлиги даражаси тўғрисидаги масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш касбий-педагогик қобилиятларни, бўлажак ўқитувчи шахсининг ижодий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга боғлиқдир.

Педагогик олий таълим муассасаси талабасининг касбий-ижодий қобилиятлари деганда касбий-ижодий фаолиятнинг муайян кўриниши талабларига уларнинг мослиги даражасини тавсифловчи ва унинг самарадорлиги даражасига боғлиқ бўлган, долзарб назарий ишланмаларни ҳамда инновацион амалий ечимларни мақсадга мувофиқ ва изчил ўзлаштиришга имкон берадиган, педагогик фаолиятнинг танланган соҳасида ўзининг ноанъанавий йўналишини излашга ундайдиган шахс сифатлари ва хусусиятларининг мажмуи тушунилади.

¹ G'azzoliy, Abu Homid. Til ofatlari kitobi. – T: "Sharq", 2018. B – 35.

² 2378/II. Qo'lyozma. كلمات ابي الليث – ابد الرحمن السمرقندي

Турли адабиётларда кўпинча учрайдиган, амалий педагогик фаолият учун зарур бўлган, махсус касбий қобилиятлар тушунчаси “педагогик қобилиятлар” атамаси билан ифодаланиб, улар остида “болалар билан ишлашга лаёқатлилиқ, болаларга меҳр-муҳаббат, улар билан мулоқотдан завкланишда ифодаланувчи шахс сифатлари” тушунилиб [1.61], биз томонимиздан киритилган касбий-ижодий қобилиятлар тушунчасига нисбатан анча тордир, бу қуйидагиларда ўз исботини топади[2.27].

Ҳақиқатда ҳам, бундай ёндашув – аниқ ва тушунарли моделни қуриш – уларни шакллантириш бўйича рационал методик усулларни топиш имконини беради ва бу айниқса, жамият ўқувчиларни нафақат синф-дарс тизими орқали хабардор қилишга, балки таълим олувчилардаги табиатан мавжуд қобилиятлар ва иқтидорларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга имкон берувчи янги мактабга яъни ҳам ўрта, ҳам олий мактабга эҳтиёжни эълон қилган ҳозирги давримизда долзарб ҳисобланади[3/94]. Шунинг учун ҳам биз амалиётчилар томонидан тўпланган тажрибадан фойдаланиб, касбий-ижодий қобилиятлар структурасини ҳосил қилувчи қуйидаги блокларни ажратиш мумкин деб ҳисобладик.

Биринчи блок – *ташкилий қобилиятлар*. Ўқитувчининг ўқувчиларни бирлаштириш, уларни машғул қилиш, мажбуриятларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, амалга оширилганларга яқун яшаш ва бошқалардаги кўникмаларида ифодаланади.

Иккинчи блок – *дидактик қобилиятлар*. Ўқув материални, кўргазмали материаллар, жиҳозларни танлаш ва тайёрлаш; ўқув материални тушунарли, аниқ, ифодали, ишончли ва изчил баён этиш, билишга оид қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжларнинг ривожланишини рағбатлантириш, ўқув-билишга оид фаолликни ошириш аниқ кўникмалари ва ҳ.к.

Учинчи блок – *перцептив қобилиятлар*, тарбияланувчиларнинг маънавий оламларига кириб бориш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив баҳолаш, психикаларининг хусусиятларини аниқлаш кўникмасида ифодаланади.

Тўртинчи блок – *коммуникатив қобилиятлар*. Улар ўқитувчининг ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар, таълим муассасаси раҳбарлари билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўртаниш кўникмаларида ифодаланади.

Бешинчи блок – *суггестив қобилиятлар*. Уларнинг моҳияти таълим олувчиларга эмоционал-иродавий таъсир этишдан иборатдир.

Олтинчи блок – *тадқиқотчилик қобилиятлари*, педагогик вазиятлар ва жараёнларни билиш ва объектив баҳолаш кўникмасида намоён бўлади.

Еттинчи блок – *илмий-билишга оид қобилиятлар*, танланган соҳадаги илмий билимларни ўзлаштириш санъатидан ташкил топади.

Саккизинчи блок – *ижодий қобилиятлар*, уларнинг моҳияти юзага келган муаммонинг ўз ноанъанавий ечимини кўра олиш кўникмасидан иборат.

Юқорида келтирилган касбий-ижодий қобилиятлар структурасининг саккизинчи блоки иждодий ҳолатга кириб бориш санъатини эгаллаш жараённи маҳоратли ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, уни ўз навбатида учта босқичлардан ташкил топган сифатида тасаввур қилиш мумкин:

Биринчи босқич – иждодий ҳолатга кириб бориш кўникмаси тасодифий содир бўлиши мумкин (у умуман юзага келмаслиги ҳам мумкин);

Иккинчи босқич – онгли равишда, маълум даражада сунъий қўзғатилади;

Учинчи босқич – иждодий ҳолат импровизация сифатида, онг ости, осон амалга ошириладиган ҳаракат сифатидаги кўринишга эга бўлади. Мазкур жараённинг технологиясини очиб бериш – инсониятни онгли, ҳар бир алоҳида индивид амалга ошириши мумкин бўлган иждодий жараённи ташкил этиш калити билан қуроллантиришни англатади.

Касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш ва уларни келгуси такомиллаштириш мотивацияси олий таълим муассасасини танлаш мотивларида ётишига амин бўлдиқ, улар орасида қуйидагилар ҳам мавжуд:

а) фанни севиш;

б) фанни севиш билан биргаликда касбга муҳаббат;

в) болаларни севиш;

г) олий маълумот эгаллашнинг расмий эҳтиёжи.

Шу тарика, яхлит жараён, тизим сифатида касбий-ижодий қобилиятларни шакллантиришнинг структуравий схемаси қуйидаги кўрсаткичларни ўрганиш орқали тавсифланади:

Касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш мақсадлари – улар ижтимоий ва шахсий-аҳамиятли мақсадлар билан тартибга солинади ва маънавий-ахлоқий, касбий, меҳнат, эстетик ва ҳ.к. йўналганликка эга бўлади.

Касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш жараёни мазмуни – у касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш мақсадларига эришишга олиб келадиган хулқ ва фаолиятни кўзда тутиб, бу кўп жиҳатдан шахснинг психик сифатларига – унинг интеллекти, эмоционал, амалий-иродавий соҳаларига боғлиқ бўлади.

Касбий-ижодий – қобилиятларни шакллантириш жараёнини амалга ошириш воситалари касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш объектига таъсир этиш усуллари сифатида мақсад ва натижаларга боғлиқ бўлиб, бунда касбий-ижодий қобилиятларни шакллантиришнинг асосий воситаси – инсоннинг ҳақиқий мазмунли фаолиятидир.

Касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш натижалари – шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи таъсирлар давомида шахсда содир бўладиган ўзгаришлар.

ОТМ лари томонидан ташкил этиладиган ўқув-тарбия жараёни билан ўзаро боғлиқлигига амин бўлди, бу шахснинг касбий-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва такомиллаштириш босқичларини ажратишга имкон беради: I, II курслар – мослашиш даври; II, III, IV курслар - психологик-педагогик фанларни ўзлаштириш босқичи; IV, V курслар, уларда бўлажак ўқитувчи-тарбиячиларнинг қобилиятлари структурасидаги кўпгина янги ҳосилалар талабаларнинг ҳақиқий педагогик воқелик билан дуч келишларига, яъни ёзги лагерлар ва мактаб базасида ўтадиган педагогик амалиётга асосланади.

Касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш нафақат махсус сифатлар, кўникмалар, билимларнинг кўзғатилиши ва ривожланишига асосланишини англатади. У кўпгина бошқа мазкур касбга хос бўлмаган, аммо касбий аҳамиятли шахс сифатларини такомиллаштиришни кўзда тутди (маънавий-ахлоқий, психик жараёнлар хусусиятлари – эмоционаллик, тасаввурнинг жонлилиги) ва агар талаба ўзи устида ишлай олишининг муайян тажрибасини эгаллаганида самаралироқ кечади. Афсуски, бундай талаба камчиликдир. Айнан шунинг учун ОТМ педагоглари биринчи курсдан битирувчи курсга қадар касбий-ижодий қобилиятларни шакллантириш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш муаммосига алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари.: пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 61 б.
2. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Автореф. пед. фан. док. – Тошкент, 2012. – 27 б.
3. Абдуллаева Б.С. Фанларaro алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. докт. .. дисс. – Т., 2006. - 94 б.

YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA BIRINCHI PREZIDENTIMIZ ISLOM KARIMOVNING MILLIY MA'NAVIY YANGILANISHLAR STRATEGIYASINING O'RNI

Turdiyev B. S.- Buxoro davlat universiteti, "Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi kafedراسi o'qituvchisi

Mustaqillikning dastlabki yillarida, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'birlari bilan aytganda, o'z o'tmishimizni, o'z madaniyatimizni xolisona bilib olish, jahon hamjamiyati, tarix